O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

15 (24) 2009 йил 22 апрель, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



## Кўппартиявийлик тизимида ғоялар кураши

у изчил олиб борилиши зарур

➔ 4-бет



## Инсон манфаатларига қаратилган ҳаракатлар

Кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида кризис кўплаб йирик ташкилотлар, компания ва банклар, хусусан, давлатларга ҳам жиддий зиён етказди.

➔ 7-бет



## Халқ ўйинлари

Мустақиллик туфайли миллий қадриятлар, халқимизнинг орзу, умид ва армонлари мужассамлашган халқ ўйинлари қайта тикланди.

➔ 8-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Депутат масъулияти
- Фаоллар билан мулоқот

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Партия ташкилотларида
- Бугуннинг долзарб масалалари

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Кўппартиявийлик тизимида ғоялар кураши
- Ўзлигини англаган аёл

ЖАРАЁН 5-бет
- Бугуннинг долзарб вазифаси
- Тадбиркорлар
- Қишлоқда замонавий коллеж

ИҚТИСОДИЁТ 6-бет
- Маҳсулотлар экспорт ҳажми ошмоқда
- Бугунидан эртаси порлоқ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
- Холи
- Дунёдан дараклар

МАДАНИЯТ 8-бет
- Спектакль тақдимоти
- Халқ театрлари фестивали

КОНФЕРЕНЦИЯ

# Ёшлар бизнинг таянчимиз

## Тошкентда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" республика таъсис конференцияси бўлиб ўтди









**Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

***Нима деб ўйлайсиз, ёшларни нима бирлаштиради? Орзулар муштараклиги, интилишлар ўхшашлиги ва албатта, келажакка бўлган юксак ишонч. Бу ҳам назаримизда тўлиқ жавобга ўхшамайди. Шижоат, куч-ғайрат, жўшқинлик эса бу сифатларни янада бойитади.***

Бугун ёшларга эътибор мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Берилаётган эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ, юртимизда ҳар томонлама баркамол, жисмонан етук ва иқтидорли ёшлар камол топмоқда. Аён ҳақиқатки, мамлакатимизнинг дунёдаги обрў-эътибори мустаҳкамлиги, тараққиёти кўп жиҳатдан ана шу ёшларнинг ақлий, жисмоний, маънавий салоҳиятига боғлиқ.

**(Давоми 3-бетда)**

МУНОСАБАТ

# Умрбоқий қўшиқлар янада кўпаяди

**Илёс Арабов "Ниҳол-2008" мукофоти совриндори:** — Мустақиллик йилларида ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг онг-шуурига инсоний туйғуларни сингдириш, она Ватанимизга муҳаббат, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борада санъат, айниқса, қўшиқчилик ва мусиқа имкониятларидан фойдаланиш ижобий самаралар бериши шубҳасиз.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ижрочи ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ўзи алоҳида таҳсинга лойиқ. Хусусан, Президентимизнинг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Қарори Ватан ва миллий қадриятларни мадҳ этадиган, ёшлар маънавиятини бойитадиган, умрбоқий қўшиқларнинг кўпайишига хизмат қилади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мусиқа-миллатнинг қалби, эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади.

Юртбошимизнинг ушбу Қарори менга ўзгача руҳ бағишлади. Чунки анчадан буён ана шундай руҳдаги қўшиқлар туркумини тайёрлашни кўнглимга тугиб қўйгандим. Мана энди унинг учун яна бир имконият пайдо бўлди. Тўғри, қўшиқларим орасида ватанпарварлик руҳида куйланганлари жуда кўп. Бироқ, уларда бугунги кун нафаси, шиддату шижоати етишмаётгандек эди. Халқимизга ҳозир ана шундай руҳдаги қўшиқлар жуда керак.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади умрбоқий, халқ кўнглига яқин қўшиқларни яратишдан иборат. Мазкур танловнинг яна бир афзаллиги шундаки, янги қўшиқлар яралади, ёш истеъдодлар, янги овозлар кашф этилади.

* * *

**Зиёда Қобилова, "Ниҳол-2008" мукофоти совриндори:** -Ўтган йили камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлдим. Ўшанда қувончдан бошим осмонга етганди. Ахир, Юртбошимиз таъсис этган ушбу мукофот ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да. Бу мукофотга муносиблар ичра муносиби лойиқ кўрилади.

Халқимиз мусиқа, айниқса, қўшиқни жуда-жуда севади. Мен ҳам сўнгги пайтларда миллий ва мумтоз қўшиқларимизга кўпроқ мурожаат этиб, тингловчиларни қўлдан келганча хушнуд этишга ҳаракат қилаяпман. Ўша куни камина билан бирга "Ниҳол-2008" мукофотига сазовор бўлган дўстларим Ойбек ва Нигора суюнчи бер, деб қолишди. Ҳа, нима гап, тинчликми ўзи, дея таажжубландим. Ҳали эшитганинг йўқми, газетада "Ягонамсан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида Президент Қарори эълон қилинди-ку, деб қолишди. Шундан сўнг, дарҳол газетада чоп этилган Қарор матни билан танишиб чиқдим. Танлов шартлари менга маъқул тушди. Юртбошимиз санъат аҳлига ҳамиша ғамхўр ва оталарча меҳрибон бўлиб келганлар. Буни юқорида эълон қилинган Қарор яна бир карра тасдиқлайди. Очиғи, бу каби нуфузли ва фахрли танловнинг ўтказилишидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Албатта, дўстларим билан бирга унда иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

# Инқирозга қарши чоралар ижросини таъминлаш

## ЎзМТДП ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларнинг асосий вазифасидир





**Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедов олиб борди. ЎзМТДП вилоят кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, партиядан сайланган халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлари, ЎзМТДП Ижроия қўмитаси девони ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий, иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** номли китобини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлашда ЎзМТДП фаоллари иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**(Давоми 2-бетда)**

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Демократик блок

## йиғилишида Ҳисоб палатасининг ҳисоботи муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида демократик блок йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда демократик блокка бирлашган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Адолат социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси муҳокама қилинди. Масала юзасидан Ҳисоб палатасининг бош инспектори Олимхон Рустамов маъруза қилди. Таъкидландики, ҳисобот даврида Ҳисоб палатаси томонидан бир қатор вазирлик ва идораларда Давлат бюджети маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан белгиланган тартибда назорат олиб борилган ва бу даврда аниқланган айрим молиявий камчиликларнинг аксарияти бартараф этилган. Фракциялар аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилги ҳисоботини маъқулладилар.

Йиғилишда шунингдек, депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишининг олдини олиш ва мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда. Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН



ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

# Инқирозга қарши чоралар ижросини таъминлаш

## ЎзМТДП ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларнинг асосий вазифасидир

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Эркин Юсупов сўзга чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан иштирокчиларга кенг тушунча берди.

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда инқироздан сўнг янада кучли, барқарор, мутаносиблашган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратиш имконини берувчи аниқ йўл-йўриқлар Президентимизнинг кенг ўрганилиб, айни пайтда ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу асарида чуқур таҳлиллар ва амалий хулосалар асосида белгилаб берилди,- деди нотиқ ўз сўзида. — Мамлакатимизда танланган тараққиёт модели, иқтисодиётни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва диверсификация қилиш бўйича пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда ва уни бугун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Фракция аъзоси Абдурашид Тўхтабоев мазкур мавзуни давом эттириб, маъруза қилар экан, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжудлигини таъкидлади.

— Жумладан мазкур жараёнларнинг алоҳида хусусиятли жиҳати - жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказишидир,- деди маърузачи ўз сўзида. — Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлмоқда.

— Жаҳон иқтисодий-инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўз вақтида чора-тадбирлар белгиланди. Иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди,- деди музокарада сўзга чиққан фракция аъзоси Ражапбой Рўзметов. — Бугунги кунда дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилганлиги бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ қилинган тамойиллар бугун ўз исботини топди. Яъни, иқтисоднинг сиёсатдан устун эканлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий равишда амалга ошириш мамлакат иқтисодий, молиявий ва ижтимоий соҳаларини модернизация қилиш имконини яратди. Бугунги кунда давлатимизда кечаётган изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, қулай инвестиция муҳитини яратилиши, янги корхоналарнинг ишга тушиши, мавжуд саноат тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бизни жаҳон молиявий бозорида кузатилаётган инқироз ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилаётганлигини намоён этмоқда.

> *Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ қилинган тамойиллар бугун ўз исботини кўрсатди. Яъни иқтисоднинг сиёсатдан устун эканлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий равишда амалга ошириш мамлакат иқтисодий, молиявий ва ижтимоий соҳаларини модернизация қилиш имконини яратди.*

Шунингдек, музокараларда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари Жалолиддин Сафоев, Шоира Умарова, фракция аъзолари Шарифа Салимова, Акрам Жумаев, Панжи Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, инқирозга қарши чоралар дастури аҳоли манфаатлари ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган аниқ мақсад-вазифалар, уларни амалга ошириш муддати ва йўналтирилган маблағларнинг аниқ белгилаб берилганлиги билан аҳамиятли эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг мазмун-моҳиятидан халқимизни тўлиқ хабардор қилиш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда партия фаоллари ўртасида Президент асарини чуқур ўрганиш юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирдилар

Йиғилишда иштирокчилар ушбу масалалар атрофида қизғин мунозарага киришар экан, жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган жараёнлар ўз навбатида сиёсий партиялар олдига ҳам муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўяётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу масала бўйича сўз олган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов инқирознинг таъсирини камайтириш бўйича давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, инқирозга қарши чоралар дастури ижросини тўла таъминлашда партия фаоллари иштирокини кучайтириш, белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида партиянинг барча даражадаги худудий ташкилотларида ўқув-семинарлар ташкил этиш, партия электорати манфаатлари, партия ғоя-мақсадларига қаратилган таъсирчан тадбирлар сонини ошириш борасида партия фаолиятида амалий иш нуқтаи назаридан оқсоқликлар кузатилаётганлиги таъкидланди. Партия раҳбари қайд этганидек, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун бугун партияларга ўз вазифаларини амалга ошириш учун катта имкониятлар бермоқда. ЎзМТДП бу ваколатлардан тўлақонли фойдаланиши лозим. Аммо, таъкидланганидек, айни пайтда бугунги замон ва давр олдимизга қўяётган талабларга жавобан партия фаоллари, аъзолари, барча даражадаги депутатлар фаолиятида ташаббускорлик, фаоллик, ва талабчанлик етишмаяпти.

Фракция йиғилишида партиянинг Андижон, Сурхондарё вилоятларидаги депутатлик гуруҳи фаолияти юзасидан ахборот тингланиб, таҳлил қилинди ва юқоридаги масалалар юзасидан истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Унда Конституциявий қонуннинг ижросини таъминлаш, хусусан, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ҳисоботларини тинглаш механизмларини жорий этиш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволга депутатлик гуруҳининг таъсирини кучайтириш мақсадида ижтимоий назоратни олиб бориш партия депутатлик гуруҳи олдида турган долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Партия раҳбари ушбу масала юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан жумладан шундай деди:

— Президентимиз таъкидлаб айтганидек, биз нафақат бугунги инқироздан чиқиш йўлларини излашимиз, балки инқироздан кейинги ҳаётимиз, келажагимизни асло унутмаслигимиз лозим. Бугун кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашни кўзда тутар экан, халқимиз катта ишонч билдириб овоз берган депутатлар, фракция аъзолари бу жараёнлардан четда турмаслиги лозим. Ҳар биримиз аввало ўзимизнинг ҳудудий тузилмаларимиз ишини жонлантиришимиз, қолаверса маҳаллий ижро органлари иши устидан жамоатчилик назоратини таъминловчи сиёсий куч сифатида ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан партия ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## Депутат масъулияти

### лекин уни барча халқ ноиблари ҳис қилмаяпти

**Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" мухбири**

*Ёшлигимизда фалончи ака ёки опа депутат бўлибди десалар бунинг фаҳмига кўп ҳам етавермасдик. Эҳтимол, уни ҳамма мансаблар қатори бир мансаб бўлса керак, дея ўйлагандирмиз.*

Эсимизни танигач собиқ шўро даврида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган илғор сут соғувчини ёинки билим юртининг механизаторлик курсини тугатиб илғор механизаторга айланган кишиларнинг халқ депутати бўлганлиги ҳақида ҳам ўқидик, кўрдик. Гап касб ёки маълумот ҳақида кетмаяпти. Ўша даврда халқни оми ҳолда сақлаш учун ана шундай ясама сиёсат зарур эди. Демоқчимизки, ўз юртининг муаммоларини Марказга кўтариб келадиган "қаҳрамон"ларнинг ҳеч кимга кераги йўқ эди.

Бу яқин ўтган тарихимизнинг чиркин лавҳаларидан бир кўриниш, холос. Истиқлол туфайлигина биз ҳақиқий демократик жамият қуришга киришдик. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқди. Айни кунда у кутилган натижани бериб, дунё мамлакатлари томонидан ҳам эътироф этилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламент тизимида иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ўз Дастури ва ғоясига эга бўлган партиялар кўпайди. Бугун уларнинг сони тўрттани ташкил этади. Сиёсий партияларнинг эркин ва ошкора фаолият юритиши учун барча қонуний асослар яратилган.

Маълумки "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари депутатларига масъулиятли ваколат ва имкониятлар яратиб берди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари бевосита жойларда яшаб, фаолият кўрсатишини ҳисобга олсак – улар бугун одамларни қандай масала-муаммолар ўйлантираётганини, сайловчининг кайфияти ва муносабатини яқиндан ҳис этиш имкониятига эга.

Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида 38 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолият олиб боришади (вилоят кенгашида 6, туман ва шаҳар кенгашларида 32 нафар). Уларнинг фаолияти бугунги кун талабларига жавоб берадими? Депутатларимиз сессияларда қандай масалаларни кўтариб чиқишмоқда ва уларнинг амалий ижроси қандай? Ана шудай саволлар билан партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятини таҳлил қилганимизда, афсуски қўйилган саволларга ижобий жавоб йўқлигига гувоҳ бўлдик.

Масалан, бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарши мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсат ва инқирозга қарши белгиланган дастур вилоятнинг маҳаллий кенгашларида етарли даражада муҳокама қилиниб, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган чора-тадбирлар белгиланмаган. Бу учун энг аввало депутатлар масъулият ва жавобгарликни ўз бўйинларига олиши керак эди.

2009 йил ҳам юртимиз сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Яъни, бу йил декабрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларда сайловлар бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий жараёнда партияларнинг фаол иштирок этиши табиий. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бошқа партиялар қатори депутатликка муносиб номзодларни танлаш, ўз билими ва тафаккури билан мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган кадрларни излаб топишга ҳаракат қилаяпти.

> *Масалан, бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарши мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсат ва инқирозга қарши белгиланган дастур вилоятнинг маҳаллий кенгашларида етарли даражада муҳокама қилиниб, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган чора-тадбирлар белгиланмаган.*

Баъзида депутатликка кўрсатилган номзодлар орасига тасодифан тушиб қолган кишиларни кеч англаймиз. Бундай ҳолатлар кўпроқ маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасида учрайди. Улар сайлангач қудуққа тушган нина каби дом-дараксиз кетадилар. Ўзларини депутатликка кўрсатган партия билан алоқалари узилади. Партия чақирган мажлисларда, уюштирган тадбирларда, ўқувларда қатнашмай қўядилар. Гўё, улар бу майдонга қулоғидан тортиб олиб кирилганга ўхшашади.

Масалан, ЎзМТДПдан халқ депутатлари Олот туман кенгашига сайланган депутат А.Жумаевни, халқ депутатлари Когон шаҳар кенгаши депутати Ф.Шариповни, халқ депутатлари Жондор туман кенгаши депутати К.Музаффаровни ёки халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати И.Атоевларни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Қўнғироқларга эса жавоб йўқ. Партия ташкилотлари билан ҳамкорлик, алоқада бўлиш уларнинг ёдидан кўтарилганга ўхшайди.

Ўз сайловчилари билан учрашиб уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эшитиб, арзийдиган муаммо ёки таклифларни туман, шаҳар ёинки вилоят сессияларига олиб чиқиш депутатнинг асосий вазифаси-ку! Партиянинг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашидаги гуруҳи билан доимий алоқада бўлиш, сессияларда фаол иштирок этиш маҳаллий кенгаш депутатининг бурчи, эканлигини айримлар унутиб қўйган кўринади. Партияда ишлайдиган ходим ўз депутатини танимаса, уни вилоят кенгашига чақира олмай сарсон бўлиб юрса, бундан иш чиқадими?

Албатта, ЎзМТДП вилоят кенгаши бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Бугун масъулият биринчи ўринга чиқди. Сайловчингиз сизга ишониб овоз берганми, бу икки карра масъулият демакдир.

Ана шулардан келиб чиқиб, ЎзМТДП вилоят кенгаши халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган 38 нафар депутат эътиборини "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида тузилган партия иш режаси ижросига қаратган. Шаҳар ва қишлоқларда, кўчалар ва хиёбонларда ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Дарвоқе, хато-камчиликлар қатъият билан тузатилмоқда. Мақсад кимнидир танқид қилиш эмас, балки улардан тўғри хулоса чиқариб, келажак пойдеворини мустаҳкамлашдан иборатдир.

ТАДБИР

## Фаоллар билан мулоқот

**Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

***Жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар ўтказилади. Айтиш жоизки, ушбу сайловлар юртимизнинг кейинги 5 йиллик ҳаёти учун муҳим бурилиш ясайди.***

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг иш режасига мувофиқ, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда фаолларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Арслон Эшмуродов, Акрам Жумаев, Умид Исмоилов ҳамда партиянинг Марказий Кенгаши аъзолари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш", "Ҳокимият бўлиниши тамойили ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли", "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг ҳуқуқий асослари", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлари тўғрисида"ги мавзуларда маърузалар қилинди. Тадбир сўнгида Сурхондарё миллий анъаналари ва урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган либослар кўргазмаси намойиш этилди. Кўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

МАФКУРА

## Қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз

### миллий ўйинлар мусобақасида ўз аксини топди

**Шерзод ҚУРБОНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

***"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда вилоятнинг Ғузор туманида "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ғузор туман кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси доирасида миллий ўйинлар фестивали ўтказилди.

— Фестивалда ташкил этилган мусобақада тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда партия вилоят кенгашида тасдиқланган режага асосан Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод туманларининг ёшлари иштирок этишди,- дейди ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Феруза Раҳматова. — Мусобақа жараёнида ёшларимиз ўнта шарт бўйича беллашдилар. Айниқса от ўйини, бекинмачоқ, дон туйиш, ёғоч кесиш, қувноқ чавандозлар, тортишмачоқ, кўз боғлаш ўйинлари муросасиз ва қизғин кечди.



Ташкил этилган миллий ўйинлар фестивали ҳақиқий дўстлик байрамига айланди. Ватанимиз тарихи, халқимизнинг бебаҳо қадриятларини мукаммал ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва ана шу анъаналаримизнинг ёшларимиз ҳаётида тутадиган муҳим ўрнини уларнинг онгига сингдириб бориш партия ўтказаётган бу каби тадбирларда бош мезон қилиб белгилаб олинган.

## ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НУҚТАИ НАЗАР

# Кўппартиявийлик тизимида ғоялар кураши у изчил олиб борилиши зарур

**Элбек ЖАҲОНГИРОВ,**
**сиёсатшунос**

*Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораётган, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топаётган ва энг муҳими кўппартиявийлик тизими шаклланган ҳозирги пайтда – сиёсий партиялар ўртасида ғоялар кураши етакчи ўринга чиқиши долзарб масала бўлиб турганлигини кўпчилик эътироф этмоқда.*

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида: **"Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак. Чунки, ҳаёт бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил этиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади. Бинобарин, иккита халқ, иккита давлат ҳам бир-биридан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туради. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади"**, дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

*Партиялар ўртасида ғоялар кураши ва баҳс-мунозара масаласига келасак, бу шунчаки номигагина бўлмаслиги кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Демократик жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари ғоя ва қарашларини сиёсий партиялар ифода этар экан, албатта бунда фикрлар хилма-хиллиги бўлиши табиий ҳол.*

Ҳақиқатан ҳам сиёсий партияларни бир-биридан ажратиб турадиган омил – бу ғоя, мафкура, мақсад ва вазифадир. Булар эса ўз навбатида партиялар дастурида акс этади. Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар эмин-эркин ва мустақил равишда фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий-молиявий имкониятлар яратилган. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ҳамда қарорлар қабул қилишдаги ўрни ва ролини кучайтирди ҳамда масъулиятини оширди.

Партиялар ўртасида ғоялар кураши ва баҳс-мунозара масаласига келсак, бу шунчаки номигагина бўлмаслиги кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Демократик жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари, ғоя ва қарашларини сиёсий партиялар ифода этар экан, албатта бунда фикрлар хилма-хиллиги бўлиши табиий ҳол. Шу боис бугунги вазиятга назар солсак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия дастурлари, танлаган йўли ва электорати бир-биридан фарқ қилишини кузатишимиз мумкин. Ушбу партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ўртасида қонунлар лойиҳалар муҳокамаси жараёнида баҳс-мунозара бўлган ҳолларни ҳам кўрганмиз. Аслида Президентимиз таъкидлаганидек: **"Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак".**

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида бир қадар бўлсада айнан партиялар ўртасида баҳс-мунозара ва қарама-қарши фикрлар ўртага ташланаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Бундай жараённи янада кучайтириш керак. Лекин, партиялар ўртасидаги ўзаро кураш ва рақобат фақат сайлов арафасида ёки сайловлар пайтида эмас – у табиий ва изчил жараёнга айланиши зарурлиги муҳим масала бўлиб турибди. Аслида бундай жараённинг изчил кечишидан энг аввало сиёсий партияларнинг ўзи манфаатдордир. Чунки, доимо жамоатчилик диққат-марказида бўлиш учун асосий фаолият билан бир қаторда, рақобатчи партиялар ишини "тафтиш" қилиб туриш, жамият ҳаётидаги у ёки бу масала-муаммога нисбатан бошқа партияга қараганда ўзгача нуқтаи назарни билдириш ва энг муҳими танланган сиёсий йўл ва ғоя жозибадорлигига ва тўғрилигига одамларни ишонтириш ўзаро курашда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий партиялар ўртасида ғоялар кураши ҳақида гапирганимизда бу борадаги жаҳон тажрибасини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Маълумки, жаҳонда партиялар қандай номланганлигидан қатъий назар ғоявий жиҳатдан классик тарзда уч гуруҳга – яъни сўл ғоя, ўнг ғоя ва ўрталиқ (марказ) ғояси бўйича бўлинган. Сўл ғояни ҳимоя қиладиган партиялар асосан социал-консерватив характерга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқишса, ўнг ғоя тарафдорлари либераллаштириш ва демократик мезонларни биринчи ўринга қўйишади. Албатта ҳозир, ўнг ғояларни ҳимоя қилувчи партиялар ўта бир ёқлама ғояларни илгари сураётганлигига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундан ташқари ўнг партиялар ҳам кўпроқ сайловчилар овозига эга бўлиш учун социал ғояларни ўзларига қурол қилиб олмоқдалар. Бизда ҳам айни тажриба сиёсий партиялар фаолияти ва ғояларида акс этиб, босқичма-босқич шаклланиб бормоқда.

Албатта, партиялараро ўзаро курашнинг ҳам аниқ мезонлари бор. Бу кураш энг аввало холислик ва ҳалолликка таяниши зарур. Тирноқ остидан кир қидириш, асоссиз ва қуруқ таъна-дашномдан иборат "танқид"ни ўзига қурол қилиб олиш сиёсий кучга обрў келтирмайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган нутқларидаги қуйидаги фикрни эсга олиш лозим: **"Шу билан бирга, ўз рақибига, бошқа партия вакилига ҳурмат билан қараш – бу олижаноблик ифодасидир. Бордию бирор бир тажрибасиз депутат ўз фикрини билдирса ва у унча тўғри бўлмаса, шунга ҳам ҳурмат билан қараш даркор".**

Сиёсий партиялар фаолиятида амалий иш асосий ўринда туради ва айни шу нарса ҳам ўзаро курашда етакчи мезон ҳисобланади. Демак, партиянинг амалий фаолияти баҳс, мунозара ва танқид объекти бўлиши мумкин. Айнан амалиётда қандай камчиликларга йўл қўйди, нимани ваъда бериб бажармади – ана шулар таҳлил ва танқид қилиниши керак деб ўйлаймиз. Бундан ташқари жамият ҳаёти учун энг муҳим масалаларга ҳар бир партия ҳар хил муносабатда бўлиши мумкин. Ана шу муносабат мамлакат миллий манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб – унинг тўғри ёки нотўғрилиги баҳсларда исботлаб берилиши керак. Энг муҳими сиёсий партиялар мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар доирасида ўз фаолиятини олиб борар экан, ўзига мухолиф деб ҳисобловчи партиянинг камчиликларини танқид қилишда ҳам қонун устувор бўлиши керак. Яъни, партиялар бири-бирининг олдига қонунга зид талабларни қўймаслиги лозим. Баъзан партиялар бири-бирининг фаолияти ва ишини баҳолаши кишида мураккаб таассурот қолдиради. Чунки, партиялар фаолиятига холис баҳони одамлар, жамоатчилик, янада аниқроқ айтганда сайловчилар беришади.

Партиялар ўз аъзолари, тарафдорлари, электорати сонини кўпайтириш учун кураш олиб бориши табиий ҳол. Электорат учун кураш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз таъбирлари билан айтганда: **"Ҳар қайси партиянинг ўз электорати – уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлами бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди".** Ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг ижтимоий қатлами шаклланиб бормоқда. Ижтимоий сўров натижаларини таҳлил қилиб кўрсак ҳозирдаёқ одамларнинг маълум бир қисми қайси партия ғоя-мақсадлари ўзларига маъқул келаётганлигини аниқ айтиб беришмоқда. Лекин, қайсидир партия ўз фаолиятини кучайтириб жамоатчилик фикрини ўзгартириши, яъни ўз тарафдорлари сонини кўпайтириши учун доимо имконият мавжуд. Бу учун эса ҳар бир партия дастурий мақсадларига мос амалий фаолиятни кучайтириши, доимо юрт ва халқ манфаатларига астойдил хизмат қилиши, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали муҳим қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиши, Ўзбекистон миллий манфаатларига дахл қилувчи барча масалалар юзасидан ўзининг позициясини изчил билдириб бориши ва энг муҳими эришган натижалари хусусида эмас, олдимизда турган вазифалар хусусида кўпроқ қайғуриши лозим.

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга навбатдаги сайлов бўлиб ўтади. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек: **"Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани. Чунки, ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беряпти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаяпти – буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз ғояларига ишонтира олгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашаётгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислоҳотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради".** Шу нуқтаи назардан сиёсий партиялар фаолиятига назар ташлар эканмиз, ғалвир сувдан кўтариладиган муддатга, яъни сайловга сиёсий кучлар қандай ғоялар, мақсадлар ва амалий ишлар билан кириб келмоқда? Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлайдиган "Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасида" қандай янги ғояларни илгари суришмоқда? Бундай саволлар бугун ҳар бир юртдошимиз хаёлидан ўтиши, уларни ўйлантириши табиий.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш жараёнларига ўзини дахлдор, наинки дахлдор сўзсиз равишда унинг иштирокчиси бўлишга интилиш сиёсий партиялардан мафкуравий-ғоявий, ташкилий-амалий ишларни янги поғонага кўтаришни талаб қилмоқда. Ёки давлатимиз раҳбари алоҳида уқтириб ўтганларидек: **"Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак".**



АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# Ўзлигини англаган аёл

Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Васила Каримова билан суҳбат

**С.КАМОЛОВ суҳбатлашди**

**— Васила опа, сизнингча бугунги ўзбек аёлининг мақоми қай даражада? Умуман мустақиллик йилларида хотин-қизларимизнинг оила ва жамиятдаги мавқеини қандай баҳолаган бўлардингиз?**

— Собиқ шўролар даврида хотин-қизларнинг мақоми батамом пастлатиб кўрсатилди, мавжуд минимал ҳаёт тарзига, керак бўлса қашшоқликка-йўқчилликка кўниб яшашлари учун ёлғон ғоялар илгари сурилди. Йиллар мобайнида биз бу мафкурага ишондик ва минг афсуски, ўзимизни оила ва жамиятда шунга мос тарзда тута бошладик. Юртимиз истиқлолга эришганидан кейингина давлат ва жамият нуқтаи назаридан хотин-қизларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди.

*Бугун сиёсий соҳани, иқтисодий тараққиётни, мафкуравий ишлар самарадорлигини, оиланинг мустаҳкам ва фаровонлигини, маҳаллалар тинчлиги ва хотиржамлигини хотин-қизларимизнинг иштирокисиз тасаввур қила олмаймиз.*

Бугун сиёсий соҳани, иқтисодий тараққиётни, мафкуравий ишлар самарадорлигини, оиланинг мустаҳкам ва фаровонлигини, маҳаллалар тинчлиги ва хотиржамлигини хотин-қизларимизнинг иштирокисиз тасаввур қила олмаймиз. Шу қисқа давр ичида Юртбошимиз томонидан хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мақомини ўзгартириш, бу борадаги нотўғри тушунчаларга барҳам бериш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани бежиз эмас. Айни пайтда аёлларни нафақат оддий ишчи ёки ходим сифатида ишга қабул қилишда, балки уларни раҳбар лавозимларга тайинлашда ҳам тўлақонли ишонч шаклланди.

Хотин-қизларимиз халқ хўжалигининг турли тармоқлари, ишлаб чиқариш, айниқса, маориф, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ҳатто спорт соҳасида катта ютуқларга эришмоқдалар. Зеро, нозик хилқат вакилаларининг оила ва жамиятдаги мақоми мамлакатимизда қонунан ва амалий жиҳатдан тўла кафолатланган. Аёлларимиз учун салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш, ўз "мени"ни намоён этиш учун фақат шахсий ташаббус, иқтидор ва ҳалол меҳнат қилиш қолди, холос.

**— Ўзбек аёлининг нафақат оилада, балки бизнес, маориф ва ижтимоий соҳаларда ҳам ўз ўрни бор. Гоҳида улар танлаган соҳалари бўйича қийинчиликларга дуч келмаяптиларми, деган савол туғилади.**

— Аслида қонунан ҳеч қандай чекланиш йўқ. Масала, менимча бошқа томонда. Қизларимиз ўрта маълумот олиб ёки ўрта махсус таълимининг дастлабки бўғинини тамомлагач, қайси касб-ҳунарни эгаллаш масаласи билан рўбарў бўладилар. Бундай вазиятда ота-оналар кўпинча қизларини аяб, қийинчиликлардан асрашга бўлган истаклари боис кўпроқ анъанавий касб йўналишлари, масалан, ўқитувчи-педагог, ҳамшира ёки врач бўлишга йўналтиришлари рост. Мазкур анъанавий соҳаларда хотин-қизларни ишга қабул қилишда қийинчиликлар йўқ. Мактабми, марҳамат, ишланг, болаларнинг шовқинига, уларнинг тарбиясига хотин киши бас келмаса, эркакларнинг тоқати йўқдай.

Бизнес соҳасига келсак, ҳали бу иш бизнинг аёллар учун янги албатта. Катта ёки кичик фирмаларга хотин-қизларни ишга қабул қилишда ҳам, шундай муассасаларда ишлашга ўз қизларини йўналтиришда ҳам ота-оналарда стереотиплар - қотиб қолган эскича қарашлар йўқ эмас, лекин ҳозирги кунда атрофимизга боқсак, бизнес соҳасида ҳам махсус тайёргарликдан ўтган, ўқиган, мактаб кўрган хотин-қизлар эркаклардан қолишмасликларини намоён этмоқдалар.

Бизнес муаммоларини оилада, баҳамжиҳат ҳал қилиш ишдаги самарадорликни таъминлайди.

**— Демак касб-ҳунар турлари орасида хотин-қизларнинг қўлидан келмайдигани йўқ экан-да?**

— Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек анъанавий аёлларга хос касб-ҳунар турлари бор. Лекин қўйилган савол бевосита хотин-қизларнинг сиёсат ва раҳбарлик соҳаларидаги фаолиятига тааллуқлидай. Айтишим мумкинки, бугуннинг аёли янгича фикрласа, фикрлашида психология тили билан айтганда, креативлилик, вазиятни холис баҳолаб, ҳар қандай шароитда ҳам муаммоларнинг ечимини топиш иқтидори бўлса, у ҳамма ишни уддалайди. Бугун пишиқ-пухта билим олиб, ўз устида ишлаб, иқтидорини тинимсиз ўстириш, ақлу шуури, иродаси, истеъдодини намоён этишга шарт-шароити бўлган ҳар бир аёл замонавий соҳаларда ишлай олади. Йирик ишлаб чиқариш мисолида олсак, бу соҳа эркакми ё аёл, энг биринчи навбатда малака, фаҳм-фаросат ва ишга нисбатан масъулият талаб этади. Бу борада муаммо шундан иборатки, биз энг замонавий касб турларига, масалан, ахборот технологияларига, стилистик ёки дизайнерликка ва шу каби XXI аср ҳунарларига қизларимизда тўғри тасаввурларни шакллантиришимиз зарур.

**— Ориятли эркак аёлидаги қайси фазилатларни кўпроқ қадрлайди?**

— Агар эркак ҳақиқатдан ҳам ориятли, устига устак замонавий бўлса, менимча аёлидаги фаросатни, ақлни ва маданиятни қадрлайди, деб ўйлайман. Фаросатли рафиқа турмуш ўртоғида аёл зоти тўғрисида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига йўл қўймайди. У ҳаётда шундай позицияда туради ва шундай хулқ маромини тутадики, турмуш ўртоғи ҳам, қайнонаси ҳам, ота-онаси ҳам унинг бирор даъвосини рад этолмайди. Назаримда, биз фахр билан фаолиятларини кузатаётган сенатор ва депутат аёлларимизда, академик даражасига кўтарилган опа-сингилларимизда, муваффақият билан ишлаётган тадбиркорларда айнан шу сифатлар бор. Қолган барча хислатлар шу каби устувор стратегик фазилатларимиз замирида шаклланади. Айтмоқчи бўлганим, бугуннинг аёли, аввало, ўзлигини англаган, маънан бой, ўқимишли ва оқила бўлиши шарт.

**— Ғарб аёлнинг уй бекаси сифатидаги вазифасини унутиб қўймоқда. Бизда эса аксинча, аёл уйни ҳам ишни ҳам эплаяпти. Бироқ...**

— Бугун "уй хўжалиги", "уйни бошқариш" каби тушунчаларга муносабат кескин ўзгарди. Чунки, юқори технологиялар бу борада хотин-қизлар мушкулини осон қилди. Уйни саранжом-саришта тутиш, идиш-товоқ, кирларни ювиш, овқат пишириш каби юмушлар учун шундай техника воситалари яратилдики, қизиқ жиҳати, улардан фойдаланишни, аввало, эркаклар яхши билишади. Эркаклар ундан фойдаланган пайтда ҳам ўзини аёллар ишини қилаётгандай тасаввур қилишмайди. Шунинг учун ҳам Европада ана шундай муҳит юзага келган.

Бизда ҳам бундай ўзгаришлар муайян маънода бор. Таъкидлашни истардимки, эркакка аёлининг нозик, гўзал, ифорли, маданиятли бўлишини исташнинг ўзи кифоя қилмайди. Унга шароит яратишни билмайдиган йигитларимиз бор. Масалан, меҳмондорчиликни яхши кўрамиз. Меҳмон кетгач, бир нечта боласи бор келин кечгача кир ювади, уй йиғиштиради, идиш-товоқ дегандай... Ишдан кеч қайтган эркак муносиб кутиб олмагани учун рафиқасидан хафа бўлади, лекин "қачон аёлимнинг оғирини енгиллаштираман, кир ювадиган машина, чангютгич олиб бераман", деган саволни ўз олдига қўймайди. Тадқиқотлар кўрсатишича, оилаларимизнинг ҳар тўрттасидан биттасида кир ювиш машинаси мавжуд. Бунга оилаларнинг техникани харид қилишга кучи етмагани эмас, балки айрим эркакларнинг пулни бошқа нарсаларга совуриб, аёлини қадрламаётгани сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман. Замонавий эркаклар аёлларининг нозиктаъб ва гўзал бўлишини истасалар, тақинчоқлару қимматбаҳо атирлардан кўра уй юмушларини енгил қиладиган маиший техника жиҳозлари олиб беришни ўзлари учун муҳим вазифа деб қарашлари керак. Ана шундай хайрли ишга пулини аямаган эркакларимизга қарата "Омон бўлсинлар, барака топсинлар", дегимиз келади.